

## ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ КЎП ВАРИАНТЛИ СЦЕНАРИЙЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мирзаев Абдуллажон Топилович

Фаргона давлат университети, Иқтисодиёт ва сервис кафедраси мудири, и.ф.д (DSc), 712000,  
Фаргона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19 уй

### ARTICLE INFO.

**Keywords:** Healthcare sector, healthcare sector management, healthcare sector costs, socio-economic development processes, econometric model, endogenous factor, exogenous factor.

### Annotatsiya

The article examines the management activities of the healthcare sector in theoretical and practical terms. In the course of the study, a model was developed based on the relationship between the number of registered patients diagnosed for the first time in relation to 100,000 residents of the Republic of Uzbekistan and the indicators of the factor influencing its change. When using this structured trend model, the determination of the volume of resources (exogenous factors) entering the industry, taking into account the effect that each unit receives from an additional unit of incoming resource, is based on the possibilities of optimal resource efficiency.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

### Кириш

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан кўриндики, тараққиётнинг бугунги босқичида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш янги билимлар, ғоялар ва инновациялар белгиловчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Соғлом турмуш тарзи, соғлиқни сақлашдаги илғор тажрибалар мамлакатларда “инсон капитали”ни ривожлантириш ва қайта ишлаб чиқаришнинг муҳим омили сифатида қаралаётганлиги аҳоли, шу жумладан, унинг таркибидаги меҳнат ресурслари саломатлигини мунтазам яхшилаб боришнинг асосий воситасига айланмоқда. Бу эса ушбу мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимида инновацион фаолиятни ташкил этиш ҳамда бошқариш жараёнларига молиявий ресурслар оқимини кўпайтириш ҳамда инновацион фаолият учун зарурий шароитлар яратилишини талаб қилади.

Бугунги кунда мамлакатларнинг ривожланиш ҳолатини баҳоловчи халқаро баҳолаш тузилмаларининг кўрсаткичлари таркибида фақатгина иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзига таяниб қолмасдан, жамиятнинг ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари олдинги ўринларда бормоқда. Чунки, ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти натижасидаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради ва бу кўрсаткичлар орқали унинг умумий ривожланиш ҳолатини баҳолаш имконини беради. Ана шундай кўрсаткичларнинг аксарияти аҳоли саломатлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар бўлиб, уларнинг даражаси мамлакатдаги соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиш даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси соғлиқни сақлаш соҳасини

молиялаштиришнинг замонавий ва самарли моделларидан фойдаланиш тиббий хизматларни манзилли ҳамда самарали кўрсатиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ижтимоий харажатларни тўлалигича эмас, балки аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учунгина энг кам даражада қоплаб бериши, қолган харажатларни эса нодавлат секордаги ижтимоий ва бозор тузилмалари қоплаб бериши мақсадга мувофиқ [1].

Соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларини бюджет даромадлари ҳисобидан амалга ошириш мумкин бўлса-да, бу жараён макро даражада иқтисодий муаммоларга сабаб бўлиши мумкин[2].

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини эконометрик таҳлилида кўп омилли ишлаб чиқариш функциялари ва улардан келиб чиқадиган функциялардан кенг фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш самарадорлигини ўзида акс эттирувчи 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонининг ўзгариш ҳолатини чизикли бўлмаган кўп омилли боғланиш асосида ишлаб чиқариш функцияси кўринишидаги эконометрик моделини аниқлаймиз. Аниқланадиган модель соғлиқни сақлаш тизими бошқарув самарадорлигини ўзида ифодаловчи 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонига таъсир этувчи омилларни бошқариш йўналишларини аниқлаш асосида ўрта ва узоқ муддатли давр учун мақсадли прогноз кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда ушбу кўрсаткичларни таъминлаш учун зарур бўлган тадбирларни белгилашга ёрдам беради[3,4].

Мамлакат бўйича 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонини эндоген омил ҳисобланган кўрсаткичга асосий таъсир этувчи омил таъсирида ўзгариши бўйича кўп омилли таҳлил амалга оширилди.

Мамлакат бўйича 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонини ишлаб чиқариш функциясининг юқори чўққиси, яъни натижавий омил сифатида белгилаб олган ҳолда, унга таъсир этувчи омил кўрсаткичлари сифатида соҳа экспертлари хулосаларига асосланган ҳолда қуйидаги кўрсаткичлар танланди:

$X_1$  – соғлиқни сақлаш харажатларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган молиявий ресурслар ҳажми;

$X_2$  – бир шифокорга тўғри келадиган ўртача аҳоли сони;

$X_3$  – шифохоналарда 10000 аҳолига ўртача тўғри келадиган ўринлар сони;

$X_4$  – шифохона ва амбулатор-поликлиникалар сони.

Эндоген омил ва унга таъсир этувчи экзоген омил кўрсаткичларининг моҳияти кўриладиган бўлса, таъсир этувчи омиллар сифатида 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонига асосий таъсир этувчи омил кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқариш модели кўринишидаги моделга яқин бўлган боғланишга эга бўлинади (1-жадвал).

**1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси бўйича 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сони ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичлари<sup>1</sup>**

Йиллар	100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар (киши) ( $Y$ )	Соғлиқни сақлаш харажатларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган молиявий ресурслар ҳажми (млрд. сўм) ( $X_1$ )	Бир шифокорга тўғри келадиган ўртача аҳоли сони (киши) ( $X_2$ )	Шифохоналарда 10000 аҳолига ўртача тўғри келадиган ўринлар сони (бирлик) ( $X_3$ )	Шифохона ва амбулатор-поликлиникалар сони, бирлик ( $X_4$ )
2011	45557,9	862,3	362	47,3	7535
2012	48065,2	924,4	369	46,1	7614
2013	48087,5	1034,6	373	43,9	7549
2014	50729,5	1103,5	378	42,2	7112
2015	52443,4	1289,1	379	41,1	7291
2016	53995,5	1597,7	382	41,1	7648
2017	50574,4	1842,3	383	41,6	6431
2018	47853,8	2227,4	367	46,6	6792
2019	45867,8	2667,6	369	45,2	7160
2020	39715,3	3070,2	370	46,6	7264
2021	40125,4	4452,7	373	47,2	10460

Юқоридаги жадалда ажратиб олинган натижавий ва таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг ўлчов бирлиги бир хил эмаслиги, яъни омил кўрсаткичларининг бир жинсли эмаслиги сабабли асосий тренд моделини чизикли логарифмик боғланиш кўринишида аниқлаб оламиз. Бунинг учун омил кўрсаткичларининг барчасини натурал логарифмик кўрсаткичларга келтириб олинади (2-жадвал).

**2-жадвал. Ўзбекистон Республикаси бўйича 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сони ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг логарифмик ҳолати<sup>2</sup>**

t	$LnY$	$LnX_1$	$LnX_2$	$LnX_3$	$LnX_4$
2011	10,73	6,76	5,89	3,86	8,93
2012	10,78	6,83	5,91	3,83	8,94
2013	10,78	6,94	5,92	3,78	8,93
2014	10,83	7,01	5,93	3,74	8,87
2015	10,87	7,16	5,94	3,72	8,89
2016	10,90	7,38	5,95	3,72	8,94
2017	10,83	7,52	5,95	3,73	8,77
2018	10,78	7,71	5,91	3,84	8,82
2019	10,73	7,89	5,91	3,81	8,88
2020	10,59	8,03	5,91	3,84	8,89
2021	10,60	8,40	5,92	3,85	9,26

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ажратиб олинган асосий эндоген ва экзоген омилларнинг боғланиши асосида юз бераётган ўзгариш трендларини аниқлаш мақсадида юқоридаги даврий қатор кўринишидаги логарифмланган маълумотларни EViews10 дастуридан фойдаланган ҳолда таҳлил қиламиз.

Дастурий пакетдан фойдаланиб, қуйидаги шаклдаги логарифмик чизикли модель аниқланди:

$$\ln Y = -0,091 \cdot \ln X_1 + 2,092 \cdot \ln X_2 - 0,42 \cdot \ln X_3 - 0,14 \cdot \ln X_4 + 1,899 \quad (1)$$

Аниқланган чизикли логарифмик модель потенциаланса, мамлакат бўйича 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонини ифодаловчи чизиксиз кўринишдаги эконометрик модель келиб чиқади:

$$Y = \frac{X_2^{2,092} \cdot e^{1,899}}{X_1^{0,091} \cdot X_3^{0,42} \cdot X_4^{0,14}} \quad (2)$$

Дастурий пакетдан фойдаланган ҳолда аниқланган тренд моделлари асосида 2022-2026 йилларда мамлакат бўйича 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сони ўзгаришининг истикболдаги кўрсаткичлари ҳамда уларни ҳисоблаш учун энг қулай моделлар рўйхатини келтирамиз (3-жадвал).


**3-жадвал. Ўзбекистон Республикаси бўйича 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сони ва унга таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг 2022-2026 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари<sup>3</sup>**

Кўрсаткич номи	Модель	Йиллар				
		2022	2023	2024	2025	2026
100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар, киши (Y)	$Y = \frac{X_2^{2,092} \cdot e^{1,899}}{X_1^{0,091} \cdot X_3^{0,42} \cdot X_4^{0,14}}$	34748,0	34962,8	35216,1	35717,1	35778,1
Соғлиқни сақлаш харажатларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган молиявий ресурслар ҳажми, млрд. сўм (X <sub>1</sub> )	$x_1 = 311,23 \cdot t + 48,24$	3783,0	4094,2	4405,5	4716,7	5027,9
Бир шифокорга тўғри келадиган ўртача аҳоли сони, киши (X <sub>2</sub> )	$x_2 = 0,264 \cdot t + 371,6$	374,8	375,0	375,3	375,6	375,8
Шифохоналарда 10000 аҳолига ўртача тўғри келадиган ўринлар сони, бирлик (X <sub>3</sub> )	$x_3 = 0,134 \cdot t + 43,643$	45,3	45,4	45,5	45,7	45,8
Шифохона ва амбулатор-поликлиникалар сони, бирлик (X <sub>4</sub> )	$x_4 = 95,982 \cdot t + 6956,473$	8108	8204	8300	8396	8492

<sup>3</sup>Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кўп омилли эконометрик моделдан фойдаланган ҳолда мамлакат бўйича 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонининг 2011-2026 йилларда ўзгариши қийматлари ҳақиқий ва прогноз кўрсаткичларини график кўринишда ифодаланди (1-расм).

Тузилган моделдаги ўзгарувчилар коэффицентлари асосида ҳар бир омил қийматининг қўшилган бир бирлиги ҳисобига натижавий омил қийматининг қанчага ўзгаришини баҳолашимиз мумкин бўлади. Жумладан, 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонини қўшимча 1 сўмлик соғлиқни сақлаш харажатларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган молиявий ресурслар ҳажми, шифохоналарда 10000 аҳолига ўртача тўғри келадиган ўринлар сонининг қўшимча 1 бирлик ортиши ҳамда шифохона ва амбулатор-поликлиникалар сонининг қўшимча 1 бирлик ортиши кўрсаткичнинг пасайишига олиб келса, бир шифокорга тўғри келадиган ўртача аҳоли сонининг қўшимча 1 бирлик ортиши ва бошқа тасодифий омилларнинг умумий таъсири кўрсаткичнинг камайишига олиб келади.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонининг ўзгариши (2022-2026 йиллар учун прогноз)<sup>4</sup>, (млрд.сўм)**

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сони камайишини стратегик режалаштириш жараёнида аниқланган трендлардан фойдаланиш соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий омил ва киритилаётган ресурс ҳажмини тўғри тақсимлаган ҳолда ижтимоий кўрсаткични оптималлаштириш имконини беради.

Модел асосида яқин истикболдаги 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонининг мақсадли кўрсаткичини белгилашда талабнинг тўйиниш нуқтасини аниқлаб олган ҳолда кириш омилларини тўғри белгилаш муҳим ҳисобланади.

Мақолада соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришда масалалари юзасидан қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

<sup>4</sup>Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

- тиббий хизматларга талаб йиллар давомида барқарор ўсиб бормоқда ва ҳақиқатда мавжуд бўлган хизматлар таклифи реал талабни сифат жиҳатидан тўлиқ кондира олмаяпти;
- тиббий хизматларга бўлган талабнинг шаклланишига тиббиётнинг янги соҳа ва йўналишларида фаолият кўрсатувчи янги тиббиёт муассасаларининг ташкил этилиши ва уларда замонавий тиббий анжомлардан фойдаланиш даражасининг ортиши яширин эҳтиёж асосида талабни шакллантирувчи таклиф сифатида ўз таъсирини кўрсатмоқда;
- хусусий секторда ташкил этилаётган тиббиёт муассасалари ҳисобига беморларга стационар ва амбулатор хизматлар кўрсатиш ҳажми ортиб бормоқда. Шунга мос равишда, соҳа таркибидаги муассасаларда хизматларни молиялаштириш ҳажми ҳам ортиб борган.
- соҳада мавжуд тиббий муассасаларда инновацион фаолият асосан давлат тизимлари томонидан мувофиқлаштирилмоқда, ҳар бир тиббий илмий-тадқиқот муассасаси доирасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилиб, натижаларга эришилаётган бўлсада, натижаларнинг соҳага тарқалиш даражаси паст.
- тиббиёт муассасалари фаолиятини молиялаштиришда фойдаланилган молиявий ресурслар таркибида замонавий тиббиёт анжомларини харид қилиш йўналишидаги маблағлар ҳажми барқарор ўсиб бормоқда, шу билан бирга давлат инновацион ва фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳалари сони ва уларга йўналтирилган маблағлар ҳажми ортмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Никитенко Д.Л. Факторы формирования финансовых ресурсов социальной сферы.//Финансы и кредит. –Москва, 2009. –№24 (360). –С. 70-77.
2. Мамедова С.К. Механизмы инновационного финансирования сферы здравоохранения.// Финансы и кредит. –Москва, 2012. –№34 (514). –С. 70-73.
3. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлили // Иқтисодиёт ва таълим. -2019, №6. 214-219-б.
4. Mirzaev A.T. Assessment of cluster formation in management of recreational activity. International Scientific Journal “Theoretical & Applied Science”, Philadelphia, USA. 04, (84), 2020. – 605-610-pp.p -ISSN: 2308-4944. <http://T-Science.org>
5. Mirzaev A.T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). India. Volume: 5 Issue: 7 July 2020. –P.131-137. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4790>
6. Мирзаев А.Т. Совершенствование системы электронного бронирования как часть цифрования управленческой деятельности туристско-рекреационных предприятий. Бюллетень науки и практики. Нижневартовск, Россия. Т. 6. №8. 2020. – 99-104 б. DOI: <https://doi.org/10.33619/2414-2948/57>
7. Мирзаев А.Т. Ўзбекистонда туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этишнинг зарурияти. Бизнес-Daily медиа. -2020, №1. -62-65-б.
8. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация кластерларини бошқаришда инновацион салоҳиятнинг ресурс компонентини баҳолаш услугиёти // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. -2020, №4. 4/2020 (№ 00048). 390-401 б. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
9. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация хизматлар бозорида бошқарув тизимини ривожлантириш истикболлари// Иқтисодиёт ва таълим. -2020, №4. 247-252-б.

10. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлили // Иқтисодиёт ва таълим. -2019, №6. 214-219-б.
11. Mirzaev A.T. Assessment of cluster formation in management of recreational activity. International Scientific Journal "Theoretical & Applied Science", Philadelphia, USA. 04, (84), 2020. – 605-610-pp.p -ISSN: 2308-4944. <http://T-Science.org>
12. Mirzaev A.T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). India. Volume: 5 Issue: 7 July 2020. –P.131-137. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4790>
13. Мирзаев А.Т. Совершенствование системы электронного бронирования как часть цифрования управленческой деятельности туристско-рекреационных предприятий. Бюллетень науки и практики. Нижневартковск, Россия. Т. 6. №8. 2020. – 99-104 б. DOI: <https://doi.org/10.33619/2414-2948/57>
14. Мирзаев А.Т. Ўзбекистонда туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этишнинг зарурияти. Бизнес-Daily медиа. -2020, №1. -62-65-б.
15. Мирзаев А.Т. Ўзбекистонда туристик-рекреация хизматларини бошқариш жараёнига омиллар таъсирини баҳолаш. Хитойда саноатлашувни жадаллаштиришда кластерлаш модели хусусиятлари. Бизнес-Daily медиа. -2020, №6. -57-61-б.
16. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация кластерларини бошқаришда инновацион салоҳиятнинг ресурс компонентини баҳолаш услуги // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. -2020, №4. 4/2020 (№ 00048). 390-401 б. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
17. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация хизматлар бозорида бошқарув тизимини ривожлантириш истикболлари// Иқтисодиёт ва таълим. -2020, №4. 247-252-б.
18. Мирзаев А.Т. Рекреацион – туризм кластерларини яратиш ёхуд улар орқали ҳудудларда сайёҳлик тизимини ривожлантириш истикболлари // Бизнес-эксперт. Фонд бозорлари фаолияти самараси ва унга тижорат банклари фаолияти таъсири. Бизнес-Daily медиа. -2017, №12. -21-24-б.
19. Мирзаев А.Т. Рекреацион туризм хизматлари бозорини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш хусусиятлари // Бизнес-эксперт. Миллий иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий ўсиш хусусиятлари ва унинг ўзгаришлари таҳлили. Бизнес –Daily медиа. -2018, №11. -63-66-б.
20. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация объектлари кластерларини шакллантириш механизмларини баҳолаш // Иқтисодиёт ва таълим. -2018, №6. -207-213-б.
21. Мирзаев А.Т. Туристик хизматлар бозорида рекреацион туризм хизматларига талабнинг ўзгаришлар таҳлили // Иқтисодиёт ва таълим. -2019, №1. 214-219-б.
22. Мирзаев А.Т. Оценка использования рекреационных возможностей на рынке туристических услуг // Региональная экономика: теория и практика - 2019. №5 (464). Россия. С.990-1002.
23. Мирзаев А.Т. Совершенствование интегральной оценки механизма рекреационно-туристических объектов // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №2. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/39>. Нижневартковск, Россия. С.127-134.
24. Mirzaev, A.T (2018) "The level of use of tourist attractions in the regions and the factors affecting them," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 :No.3,Article19.Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss3/19>

25. Mirzaev A. T. Estimation of the prospects for the use of recreational facilities in the market of tourism services //Наука сегодня: вызовы, перспективы и возможности [Текст]. – 2018. – С. 76.
26. Mirzaev A.T. Туристик-рекреация кластерларини бошқаришда инновацион салоҳиятнинг ресурс компонентини баҳолаш услугиёти “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020 yil. 390-401 б.
27. Мирзаев А. Т. Рекреацион туризм хизматлари бозорини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш хусусиятлари // Бизнес-Daily медиа [Текст]. 2018. №11. 63-66 б.
28. Мирзаев А. Т. Ўзбекистонда туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш // Бизнес-Daily медиа [Текст]. 2020. №1. 62-65 б.
29. Мирзаев А.Т. Методологические основы развития и повышения конкурентоспособности туристско-рекреационной деятельности// Бюллетень науки и практики. 2021. Т. 7. №10. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/71/33>. Нижневартговск, Россия. С.283-293.
30. Mirzaev Abdullajon Topilovich. (2021). Economic evaluation of multiplicative efficiency on the basis of generalized indicators of resource components in tourist recreation activities. European Journal of Research Development and Sustainability, 2(6), 107-114. Retrieved from <https://scholarzest.com/index.php/ejrds/article/view/1004>
31. Мирзаев А.Т. Туризм-рекреацияси хизматлар бозорида рақамлаштиришнинг ялпи талаб ўзгаришига таъсири таҳлили // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. -2021, №3. 3/2021 (№ 00053). 386-397 б. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>.
32. Ханкелдиева Г. Ш. Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №12 (25). С. 293-299. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva-g>
33. Ханкелдиева Г.Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №11 (24). С. 357-363. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva>
34. Khankeldieva G.Sh. Theoretical and economic prerequisites for the development of regional industrial clusters in the economy of the republic of uzbekistan // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). – 2020 . – pp.234-240. <https://doi.org/10.36713/epra.4855>.
35. Khankeldieva G.Sh. Prospects of the development of investment activity in the field of tourist services: problems and ways of solution. // International Scientific Journal “Theoretical & Applied Science”, Philadelphia, USA. 10, (78), 2019. – 160-165 pp.